
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари иштирокида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг муҳокамасига бағишланган видеоконференцалоқа шаклида давра суҳбати ташкил этилди.

Вилоят ҳокимлигининг кичик мажлислар залида ташкил этилган Фарғона вилоят ҳудудий студиясидан Коррупцияга қарши курашиш бўйича вилоят ҳудудий кенгаши аъзолари, вилоят ҳокимлигининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси масъули, оммавий ахборот воситалари вакиллари давра суҳбатида иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов очиб берди.

Конституциявий комиссиянинг раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан маъруза қилди.

Конституциявий қонуни лойиҳасининг муҳокамаларини ташкил этишда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг иштироки тўғрисида вилоятлар ҳудудий кенгашлари вакиллари фикрлари эшитилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-06-28 19:04:31